

Муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасига ташриф буюрдилар



12:00 / 19.05.2022 2193

Бугун, 19 май куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоевлар «Декларациялар мулоқоти» номли халқаро анжуманда қатнашиш учун Бухоро вилоятига ташриф буюрдилар.

Диний соҳа раҳбарлари ушбу вилоятдаги сафарларини эрта тонгдан табаррук масканлардан бири Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошладилар.

Зиёрат асносида ўтганлар хотирасига Қуръони Карим оятлари тиловат қилинди. Муфтий ҳазратлари Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга саломатлик ва саодат тилаб дуо қилдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати